O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

«Бу дунёда инсон ўз меҳнати билан кўп нарсага эришиши мумкин.»

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 16-iyun • Shanba • 71 (27.716) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ: ФАРОВОНЛИК ВА ОБОДЛИК

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, қишлоқ хўжалиги тизимида юз бераётган кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида 14-15 июнь кунлари Бухоро ва Навоий вилоятларида бўлди.

Президентимиз сафарининг иккинчи куни реконструкция ва модернизациялаш ишлари амалга оширилаётган Навоий шаҳар аэропорти билан танишувдан бошланди. Давлатимиз раҳбари муҳим стратегик объект ҳисобланган аэропортнинг аҳамияти ҳақида гапирар экан, ўтган йили май ойида Навоий вилоятига ташрифи чоғида билдирган танқидий фикрлари асосида бу ерда салмоқли ишлар бажарилганини таъкидлади. Жумладан, халқаро андозаларга мос тўрт километрдан зиёд учиш-қўниш йўлаги қуриб битказилди. Замонавий бошқариш тизими бунёд этилди. Аэропортда мураккаб об-ҳаво шароитида ҳам турли даражадаги оғирликдаги ҳаво кемаларини қабул қилиш ва учириш имконияти яратилди.

— Энди асосий эътиборни халқаро қатновни амалга оширадиган замонавий самолётларни бу ерга жалб этишга, уларга юқори даражада техник ва сервис хизмати кўрсатишга қаратиш керак, — деди Юртбошимиз.

Навоий — саноат соҳасида улкан салоҳиятга эга вилоят. Бу ерда фаолият юритаётган йигирмадан зиёд йирик саноат корхонаси томонидан 2006 йили икки триллион 81 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Вилоятни 2007 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш комплекс чора-тадбирлар дастурида ноанъанавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилган.

Шу мақсадда барпо этилган «Бахт-текстиль» қўшма корхонаси йилига ўн беш минг тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга. У экспортбоп ипкалава ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Сўнгги жиҳозлаш ишлари олиб борилаётган «Қизилқум мануфактураси» қўшма корхонасида эса йилига 5 минг тонна пахта толасидан ип-газлама тўқилади. Вилоятда етиштирилаётган пахта толасининг 50 фоизи ушбу корхоналарда қайта ишланади. Мазкур корхоналар минглаб ёшларни иш билан таъминлайди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар Навоий вилоятида ҳам ўз самарасини бермоқда. Вилоятдаги фермер хўжаликларининг пахта тайёрлашдаги улуши 86, ғаллачиликдаги ҳиссаси эса 84 фоизни ташкил этади.

Президентимиз Қизилтепа туманидаги «Заргарон баракали ҳосил» фермер хўжалигида бўлиб, ғалла ўрим-йиғимининг бориши билан танишди. Бобожон Каримов раҳбарлик қиладиган хўжалик аъзолари билан суҳбатлашди. Хўжаликнинг иқтисодий аҳволи, унда меҳнат қилаётган кишиларнинг турмуш шароити билан қизиқди.

Олтмиш киши меҳнат қиладиган хўжалик аҳли бу йил давлатга 138 тонна ғалла топширишни мўлжаллаган. Айни кунларда хўжаликда ғалла ўрим-йиғими қизғин давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбари фермерлик, аввало, масъулият эканини алоҳида таъкидлади. Бу соҳага тасодифан кириб қолган, ернинг тилини тушунмайдиган фермерлар ҳам йўқ эмас.

— Ерни боқсанг, у ҳам сени боқади, — деди Юртбошимиз. — Фермер иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлса, юртимизнинг, элимизнинг қудрати янада ошади. Шундай экан, фермерларга имконият ва ёрдам бериш, тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш лозим.

Президентимиз фермерлар замон талабларидан келиб чиққан ҳолда иш олиб бориши, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши зарурлигини қайд этди. Бу нафақат уларнинг ўзига, балки мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалишига ҳам хизмат қилади.

Юртбошимиз тумандаги Навбоғ қишлоғида деҳқонлар билан суҳбатлашди. Уларнинг яшаш шароити, орзу-режалари билан қизиқди.

Ортиқ Сувонов раҳбарлик қилаётган «Парда бобо» фермер хўжалиги Кармана туманидаги пешқадам хўжаликлардан. 40 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган хўжаликнинг 34 гектардаги ғалласи ўроққа келган. Олти гектар майдондаги ғўза баравж ўсмоқда. Ёш фермернинг техникаси ҳам, ишчи кучи ҳам етарли.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу хўжаликда фермерлар билан мулоқот асосида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратди: фермерларга хизмат кўрсатиш, жумладан, таъминот масаласида қандай муаммолар бор? Фермерлар етиштирган маҳсулотини сотишда тўсиқларга дуч келмаяптими?

— Ўтган йили 31 миллион сўм соф фойда олдик, — дейди Кармана туманидаги «Истиқлол» фермер хўжалиги раҳбари Маҳмуд Норов. — Қўшимча техника сотиб олдик. Фермерларга сервис хизмати кўрсатувчи инфратузилмалар тобора яхшиланмоқда. Хўжалигимизда етиштирилаётган маҳсулотни ўзимиз қайта ишлаш чораларини кўрмоқдамиз.

Бугунги фермер ҳам деҳқон, ҳам иқтисодчи, ҳам агроном, ҳам менежер бўлмоғи даркор, деди Юртбошимиз. Шундагина у кўзлаган мақсадига эришади.

Мамлакатимизда фермерликни ривожлантириш, уларга хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароит яратилган. Юртимиз фермерлари эришаётган улкан ютуқлар, ислоҳотларимизнинг самаралари тобора ошиб бораётгани бунинг ёрқин далилидир.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Ёрқул УМАРОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.



БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Фарғона туманидаги майший хизмат касб-ҳунар коллежида талабаларнинг билим ва касб сирларини ўрганишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Мазкур билим масканида ҳоналар замон талаблари даражада жиҳозланган. Саккиз йўналишда таҳсил олаётган 987 нафар ўқувчига юқори малакали 79 нафар педагог, педагог-муҳандис умумтаълим, касбий ва махсус фанлардан сабоқ беришади. Ўқув даргоҳида 351 ўринга мўлжалланган ётоқхона, спорт зали, стадион ва спорт майдончалари мавжуд.

— Коллежимизда услубиёт маркази ташкил этилган бўлиб, бу ерда педагоглар ўз малакаларини оширишлари учун қулай шароит яратилган, — дейди маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Абдуқодир Тожалиев. — Бундан ташқари, ўқув жараёнига илғор педагогик технологиялар қўлланилиб, ўқувчиларнинг билимини, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими жорий этилган. Таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида дарсларда техник воситалар, кўргазмали куроллар, ўқитишнинг ноанъанавий усуллари, илғор педагогик технологиялар ва электрон дарсликлардан фойдаланамиз. Мақсадимиз ҳар томонлама баркамол, билимли ёшларни вояга етказиш.

Суратларда: *коллеж ҳаётидан лавҳалар.* **Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.**

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Фракция аъзолари иккинчи ўқишда кўриб чиқилаётган «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар. Ушбу лойиҳа юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Фахриддин Ражабов маъруза қилди.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги 2005 йил 1 августдаги Фармонига асосан мамлакатимизда 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазоси бекор қилинади. Унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш тартиби жорий қилинади. Бу шубҳасиз, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва жиноий қонунчиликни ичил ва босқичма-босқич либераллаштириш, эркинлаштиришнинг натижасидир. Ўлим жазосининг бекор қилиниши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят кодексининг инсонпарварлик тамойили, шунингдек, содир қилган жинояти учун судланган шахсни ахлоқан тузатиш мақсади билан бевосита боғлиқ. Ушбу тамойиллар халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига тўлиқ мос келади.

Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига жиноий жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш ва унинг ўрнига умрбод ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишни қўллаш, ушбу жазоларни тайинлаш тартиби ҳамда ижро этиш шартлари билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутади.

Фракция йиғилишида шунингдек, «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Иккинчи ўқишда кўриб чиқилаётган «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги ва «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлар лойиҳалари ҳам муҳокама қилинди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

(Ўз мухбиримиз)

ЎзХДП шаҳар кенгашларида

ТАШАББУСГА ЙЎЛ ОЧИҚ

ҚАНДАЙ ИШЛАШ ЭСА ЎЗИМИЗГА, ФАОЛЛИГИМИЗГА БОҒЛИҚ

Сиёсий партиянинг обрўси унинг амалда олиб бораётган ишлари, ўз дастурида белгилаган вазифаларини қай даражада бажараётгани билан белгиланади. Бугунги кунда Қўқон шаҳрида 102 та ЎзХДП бошланғич ташкилоти мавжуд. Улар 2600 дан зиёд аъзони бирлаштиради. Партиямиз ўтган сайловларда фаол қатнашди. Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашига 3 нафар ХДП аъзоси сайланган. Халқ депутатлари Қўқон шаҳар кенгашининг 25 нафар депутатидан 8 нафари бизнинг партиямиздан. Вилоят ва шаҳар Кенгашлари депутатларидан Баҳромжон Усмонов, Равшан Раҳимов, Сайидмар Аҳмедов, Баҳром Солиев, Дилшодахон Мирзажонова, Одинахон Дўстматова ва бошқалар партиямиз дастурий мақсадларини амалга ошириш йўлида бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқдалар.

ЎзХДП вакиллари халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг 4 та доимий комиссияси раислари бўлиб, улар шаҳримизнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ривожланишига катта ҳисса қўшиб келмоқда.

ЎзХДП шаҳар кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонаси ҳам бугунги кунда электорат манфаатларини ҳимоя қилишда имкон қадар хизмат қилмоқда. 2006 йилда Жамоатчилик қабулхонасига юздан зиёд фуқаро турли масалалар, таклифлар билан мурожаат этди. Бу йил май ойигача эса 55 та ариза, таклифлар тушди. Масалан, мурожаат қилган 9 нафар фуқаро шаҳар кенгаши депутати Одинахон Дўстматова ёрдамида ишга жойлаштирилди. 15 нафар фуқаро шаҳар Кенгаши депутати Равшан Раҳимов кўмагида «Қўқонспирт» АЖга ишга қабул қилинди. 13 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқарога ҳомийлар кўмагида моддий ёрдам кўрсатилди.

Булардан ташқари, шаҳар партия кенгаши ва фаолларимиз томонидан кўплаб амалий ишлар олиб борилмоқда. Умумхалқ байрамлари муносабати билан кекса партия аъзолари ҳолидан хабар олиш, уларга имкон қадар моддий ёрдам кўрсатиш, маънавий қўллаб-қувватлаш анъанага айланган. Шаҳримиздаги 11-12-17- «Мехрибонлик уйи» тарбияланувчиларининг суннат тўйларини ўтказишда моддий ёрдам кўрсатилди. Гўдакалар уйи кичкинтойларига турли совға-саломлар топширилди. Бунда халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгашига сайланган депутатларимизнинг ҳомийлик ёрдамларини алоҳида эътироф этиш ўринли бўлар эди. Шунингдек, депутатлар Б.Солиев, М.Деҳқонов, Р.Раҳимов, Ш.Қодирова ва Д.Мирзажоновалар ўз сайлов округидаги кам таъминланган оилалар, ногиронлар, маҳалла ва мактабларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатишмоқда.

Партиявий фаолиятда энг асосийси — тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда шаҳар Кенгаши маҳаллалар, ўқув юртлари, давлат ва жамоат ташкилотларида кенг кўламли маърифий ишлар олиб борилмоқда. Давлатимизнинг ижтимоий сиёсатини омма орасида тушунтириб, депутатларимиз, фаолларимиз, бошланғич партия ташкилотларидаги етакчи вакилларимиз орқали шаҳримиздаги мавжуд 65 та маҳаллада турли тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилаяпти. Шу жараёнда кўмакка муҳтож оилалар, якка-ёлғиз, ногиронларнинг имконият ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, уларга турли ёрдамлар кўрсатилаяпти. Тарғибот ишлари ва «Ижтимоий ҳимоя йили» доирасидаги тадбирлар биргаликда олиб борилаётгани боис ХДПга хайрихоҳлар, аъзо бўлиш истагини билдираётганлар кўпайиб бораяпти.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Қўқон шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари.

ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманида «LaneExtrakt» Хитой — Ўзбекистон қўшма корхонаси иш бошлади.

Корхонада Оролбўйи минтақасида кўп учрайдиган қизилмия ўсимлиги илдизидан тиббиётда дори-дармон тайёрлашда кенг қўлланиладиган глицирризин ишлаб чиқарилади. Йилига 8 минг тонна хомашёни қайта ишлаш қувватига эга бўлган мазкур корхонага хитойлик ҳамкорлар 1 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритишди.

Ишлаб чиқаришнинг дастлабки босқичида икки ярим минг тонна қизилмия ўсимлигининг илдизи қайта ишланади. Ҳозир корхонада 75 киши меҳнат қиляпти. Келгуси йилдан ишлаб чиқаришнинг иккинчи босқичи бошлангач, бу ерда минг киши иш билан таъминланади. Маҳсулотлар Хитой ва Японияга, шунингдек, Европанинг қатор мамлакатларига экспорт қилинади.

А. ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисини шу йил 29 июнь куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шу ҳафтада Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан муҳокама этилган ва қабул қилинган ҳамда маъқуллаш учун Сенатга юборилган муҳим қонунлар — «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларининг баъзи нормалари амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари парламент юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига киритилди.

Сенатнинг бўлажак ялпи мажлиси муҳокамасига «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга, Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222–II-сонли Қарорининг 1-иловасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Содиқ хизматлари учун» медалини таъсис этиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-кидирув тадбирларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини ҳам киритиш режалаштирилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНМОҚДА, — ДЕЯ ТАЪКИДЛАНДИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА БЎЛИБ ЎТГАН СЕМИНАРЛАРДА

Ижтимоий бирдамлик, ижтимоий демократия принциплари, тушунчалари Ўзбекистон ХДП ғояларининг асосини ташкил этади. «Ижтимоий ҳимоя йили» сифатида тарихга муҳрланадиган 2007 йилда айниқса ижтимоий адолат тамойили алоҳида аҳамият касб этмоғи керак. ЎзХДПда ташкил этилган сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги семинарларда ана шу мавзу кенг муҳокама қилинаяпти.

Яқинда Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрида ташкил этилган ҳудудий машғулотда бу масалалар хусусида кенг фикр алмашувлар бўлиб ўтди. Унда қўшни Учқудуқ, Томди туманларидан ҳам партия фаоллари иштирок этди.

Семинарда маъруза қилган партиянинг Навоий вилоят кенгаши раиси Шерали Умаров, Зарафшон шаҳар кенгаши раиси Баҳодир Қосимов ижтимоий адолат, бирдамлик тамойилларини аҳоли ўртасида тарғиб-ташвиқ қилишнинг янги қирралари, унинг тажрибада кенг синалган усул ва услубларидан мунтазам фойдаланиш лозимлигини таъкидладилар. Сўзга чиққан халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутати, партия фаоли Иван Кондиратенко, Виктор Ивкин ва бошқалар ҳам «Ижтимоий ҳимоя йили» доирасидаги тадбирларни янада кенгайтириш, бунда партиямиздан сайланган депутатлар имкониятлари, кучидан фойдаланиш, айниқса, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламини муттасил қўллаб-қувватлаш, Жамоатчилик қабулхоналари орқали электорат манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш борасида фикрларини илгари сурдилар.

Худди шундай машғулот ХДП Навоий шаҳар кенгашида ҳам бўлиб ўтди. Унда маъруза қилган шаҳар кенгаши раиси Лола Собирова бошқа ва сўзга чиққан фаоллар «Ижтимоий ҳимоя йили»нинг партия ташкилотларимиз учун аҳамиятли томонлари, бу борада ташаббусларни кўпайтириш ҳақида сўз юритдилар.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2006 йил юзасидан ҳисоботларига тааллуқли масалаларни ҳам сенаторлар муҳокамасига киритиш мўлжалланмоқда.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Кенгаш Сенат қўмиталари ва Девонининг ўнинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириб бориш вазифасини Олий Мажлис Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.Муҳитдинова зиммасига юклади.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2005–2006 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ҳам Кенгаш мажлисида тингланди.

Олий Мажлис Сенатига маъқуллаш учун тақдим этилган қонунлар юзасидан, Кенгашда айтиб ўтилганидек, Қўмита ҳисобот даврида йигирма иккита хулоса тайёрлаган. Сенатнинг ялпи мажлисларида шу қонунлардан ўн саккизтаси маъқулланди, тўрттаси рад этилди. Назорат ваколатларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг тўртта қонуни ижроси жойларга бориб ўрганилди, ўрганиш натижалари Қўмита мажлисларида муҳокама қилинди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Хусусан, Қўмита мажлисларида «Нотариат тўғрисида»ги, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурининг ижро этилиши масалалари кўриб чиқилди, шунингдек, адлия вазирининг Ўзбекистон Республикасида 2006 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат идоралари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи, мамлакат прокуратура органларининг 2005-2006 йиллардаги фаолиятига доир Бош прокуратура ҳисоботи муҳокама қилинди.

Қўмита ҳисобот даврида ўн саккизта тадбир ўтказди, шу жумладан уларнинг олтитаси жойларга бориб ўтказилди. Ана шу тадбирларда билдирилган таклиф ҳамда тавсиялар тегишли давлат органларига кўриб чиқиш ва чоралар кўриш учун юборилди.

Ҳисоботни муҳокама этиш вақтида Кенгаш аъзолари Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси фаолиятини яхшилашга доир қатор таклифлар билдирдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан Кенгаш тегишли қарор қабул қилди.

Мажлисда сенаторлар, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

●●●

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлисининг кун тартибидан Қонунчилик палатаси томонидан шу ҳафтада қабул қилинган «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар алоҳида ўрин олган.

Қонунчилик палатасида ушбу қонунлар лойиҳаларининг барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирок этган моддама-модда муҳокамаси чоғида баён қилинган эдики, қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартишлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган мамлакат суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш концепциясига мувофиқ қонунчиликни янада эркинлаштириш, жиноий жазолар тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш, жамиятимизда судлар ролини ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий база яратади.

Депутатлар ўз чиқишларида 2008 йилнинг 1 январидан эътиборан мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши мустақил Ўзбекистон инсонпарварлик принципларига содиқ эканлигининг, фуқаролар конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига оғишмай риоя этилишининг яна бир ёрқин тасдиғи бўлади, деб таъкидладилар. Депутатларнинг фикрича, давлатимиз раҳбарининг чинакам тарихий қарорини амалда рўёбга чиқариш жамиятимизда умум қабул қилинган демократик мезонларни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим босқич бўлади.

(ЎзА)

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«НОМИ БОРУ ЎЗИ ЙЎҚ»

Газетамизнинг шу йил 15 май сонида мазкур сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда номи Ўзбекистон ХДП Сардоба туман кенгаши ҳисоботларида қайд этилган, аммо аслида фаолият кўрсатмаган бошланғич партия ташкилоти ҳақида сўз юритилганди.

Ушбу мақола бўйича Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят Кенгашидан жавоб келди. Унда жумладан шундай дейилади:

«Мақолада кўтарилган масала 2007 йилнинг 28 май куни ЎзХДП Сирдарё вилоят Кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида вилоятдаги барча туман, шаҳар партия кенгашлари раислари, масъул ходимлари иштирокида кенг муҳокама этилди ва тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон ХДП Гулистон шаҳар кенгаши ижроия қўмитаси йиғилишида ҳам ушбу танқидий чиқиш юзасидан тегишли муҳокамалар бўлиб ўтди. Жумладан, мақолада кўрсатиб ўтилган камчиликларга бундан буён йўл қўймаслик чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Худудий, бошланғич партия ташкилотларига партиямиз ғоялари, мақсад ва вазифаларини фуқаролар орасида тарғиб қилиш, электорат манфаатларини ҳимоялаш, бошланғич партия ташкилотлари обрўсини ошириш, ички партиявий ишлар билан шуғулланишни кучайтириш тавсия этилди. Ўзбекистон ХДП Янгиер шаҳар кенгаши томонидан ўтказилган минтақавий семинарда ҳам бу ҳакда алоҳида тўхталиб ўтилди. «Бинокор» маҳалла худудий партия ташкилотининг ҳужжатлар билан ишлаш тажрибаси ўрганилди ва вилоятдаги барча бошланғич партия ташкилотларига намуна сифатида тавсия этилди.

Ўзбекистон ХДП Сардоба туман Кенгаши Ижроия Қўмитасининг шу йил 30 майда бўлиб ўтган йиғилишида халқ депутатлари вилоят, туман Кенгашларига ХДП дан сайланган депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари раислари иштирокида ҳам ана шу мақола муҳокама қилинди.

Сўзга чиққан бошланғич партия ташкилотлари раисларидан Ю.Эшонқулов, И.Темиров, А.Қўшмонов, депутатлар О.Бозорова, Г.Қувватова, Т.Жўраевалар келгусида туман бошланғич партия ташкилотларининг ғоявий-сиёсий тайёргарлигини янада кучайтириш, электорат билан ишлашда асосий таянч бўлиш, юқоридаги камчиликларга йўл қўймаслик тўғрисида фикр билдирдилар.

Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши бошланғич партия ташкилотлари ишини жонлантириш мақсадида шу йилнинг август-сентябрь ойларида вилоятдаги БПТ сардорларининг семинарини ўтказишни режалаштирди.

Бошланғич партия ташкилотлари нуфузини ошириш ва мафкуравий-сиёсий масалалар билан шуғулланишдаги ўрнини кўтариш доимий ва долзарб вазифамиз бўлиб қолади.

Алишер ТАШМАТОВ,
Ўзбекистон ХДП
Сирдарё вилоят
кенгаши раиси.»

Маҳсулот ўзимизники — Ўзбекистонники!

«КАМОНГАРОН» МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТГА ЧИҚАДИ

Ургут туманидаги «Камонгарон» МЧЖ дастлаб автомобиль матори мойларининг улгуржи савдосини амалга оширган бўлса, кейинчалик корхона таъсисчилари Эрондаги «ABOL FAZL SALAR» корхонаси билан ҳамкорликда «Камонгарон» Ўзбекистон — Эрон қўшма корхонасини ташкил этишди.

Бир йилда 384 000 тонна автомобиль мотори мойи ишлаб чиқариш қувватига эга корхона эндиликда эркак ва аёллар учун оёқ кийимлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди.

— Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 12 февралдаги Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида саноат корхоналари фаолиятига баҳо бериб, қўшма корхоналар олдига экспортга чиқиш масаласини қатъий вазифа қилиб қўйганди, — дейди корхона раҳбари Улфат Аминов. — Шу мақсадда жорий йилнинг иккинчи ярмида маҳсулотларимизни экспортга чиқариш бўйича шартномалар имзоланмоқда.

Замонавий ускуналар билан жиҳозланган корхона «Камонгарон», «Мозортепа» маҳаллаларида истиқомат қилувчи 20 нафардан зиёд ёшни иш билан таъминлаган. Қўшимча ишчи ўринлари яратиш бўйича ҳам режалар ишлаб чиқилмоқда.

«Ижтимоий ҳимоя йили»да корхона туман ногиронлар жамиятига 1 млн. сўм, «Камонгарон» маҳалла фуқаролар йиғинига 500 минг сўм миқдорида ҳомийлик ёрдамлари кўрсатди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



Суратларда: корхона раҳбари У.Аминов *(ўртада) ишчилар билан; ишчи Қ.Аминов.*

Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар.

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

«Уйчи пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамияти туман марказидан анча узоқдаги Қизилравот қишлоғида жойлашган. Бу йирик саноат корхонаси яқин-яқингача кўримсиз қиёфада эди. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу соҳага қаратаётган эътибори туфайли кейинги йилларда корхонадаги мавжуд технологиялар янгиланди, модернизациялаш тадбирлари амалга оширилди. Жумладан, сара уруғлик чигит тайёрлайдиган замонавий цехнинг ишга туширилиши — корхонани ривожланиш босқичига олиб чиқди. Натижада юзга яқин ишчи ўрни яратилди. Шунга монанд касаначилик ҳам йўлга қўйилди.

Яқинда корхона ҳовлисидаги қаровсиз ётган ҳудудда ажойиб меъморий қиёфага эга бўлган маиший хизмат мажмуаси ҳам қуриб фойдаланишга топширилди. Пойабзал тикиш ва таъмирлаш устахонаси, сартарошхона, тикувчилик ва тижорат дўконлари жойлашган бино атрофи ободонлаштирилди. Қурилиш материаллари ва ишчи кучи жамоа имконияти ҳисобидан таъминлангани учун маиший хизмат уйини бунёд этиш анча арзонга тушди. Ушбу тармоқларнинг ишга туширилиши натижасида яна 10 киши ишли бўлди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

САБЗАВОТ СЕРОБ БЎЛАДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида аҳолининг сабзавотга бўлган талабларини яхшилаш мақсадида хўжаликларда иссиқхоналар қурилишига алоҳида эътибор берилаяпти. «Саманкўл» овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Планета-Спрут» хўжалиги жамоаси яқинда «Миллий банк»нинг Хўжайли бўлимидан 20 миллион сўм кредит олиб, замонавий иссиқхона қурилишини бошлади. Худди шундай иншоот «Саидбек-Хўжайли» хўжалигида ҳам тикланмоқда. 3 гектарлик иссиқхона қурилишида ҳозиргача 113 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди.

— Иссиқхонамиз қурилишини республикамиз мустақиллигининг 16 йиллигига қадар битказамиз, — дейди хўжалик раҳбари Зарипбой Файзуллаев. — Насиб этса, туманимиз аҳолиси эндиликда қиш ойларида ҳам бодринг, помидор каби маҳсулотларни узлуксиз танаввул қилишади. Айни пайтда етиштирилган ҳосилнинг бир қисмини четга экспорт қилишни ҳам режалаштирганмиз...

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

Излаган имкон топади

ОДАМНИНГ ЎЗИГА БОҒЛИҚ

ЁКИ ЎЗ ШАХСИЙ ТОМОРҚА ХЎЖАЛИГИДАН МИЛЛИОНЛАБ СЎМ ДАРОМАД ОЛИБ, ФАРОВОН ТУРМУШ КЕЧИРАЁТГАНЛАР ҲАҚИДА

1

ҲАММА ЗАМОНЛАРДА ҲАМ инсон фарзанди яхши яшашга, фаровон турмуш кечиришга интилган. Бу табиий ҳол, албатта. Ахир одам дунёга бир марта келади. Яхши яшагиси, ҳеч нарсадан кам-кўстсиз, тўкин ва бахтли ҳаёт кечириш, фарзандларининг ҳеч кимдан кам бўлмаслигини истайди.

Аммо... Ҳамма гап кимнинг қандай меҳнат қилишида, тўғрироғи, ҳаётда қандай йўл билан умргузаронлик кечиришидадир.

— Баъзи бир кишилар ишламасдан, жон қойитмасдан фаровон яшашни ўйлайди. Ахир, дунёда бундай жой йўқ-ку, — дейди бир умр ўқитувчи бўлиб ишлаган, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган тошкентлик Акмал Сагитов. — Ҳозир ҳалол меҳнат, тўғри йўл билан яшайман дегани одамга қанчадан-қанча имкониятлар яратиляпти. Айниқса, ҳунармандчилик, якка тартибда тадбиркорлик ёки касаначилик билан шуғулланмоқчи бўлган кишиларга, ер олиб боғ-роғ яратиш истагида бўлган юртдошларимизга кўплаб қулайликлар, имтиёзлар бериляпти. Бундай имкониятлардан самарали фойдаланаётган юртдошларимиз бой-бадавлат бўлиб, нафақат ўзига, ўзгаларга ҳам нафи тегаяпти.

Яқин ўтмишда бундан бор-йўғи 18-20 йил бурун собиқ Иттифоқ даврида бир умр ишлаб кимдир бирорта тузукроқ ҳовли-жой қурса, ёки машина сотиб олса, ўша одамнинг ҳоли не кечар эди? Албатта, уни «керакли жойга» чақириб сўроқ қилишар, ҳатто жавобгарликка тортишарди. Ким бўлишидан қатъи назар, у машҳур олимми, зўр шифокорми, ё бир умр болачақаси билан даладан чиқмай меҳнат қилган деҳқонми, фарқи йўқ, бирор тузукроқ уй-жой ҳам қуролмасди-ку.

Бугун юртдошларимиз қураётган уй-жойларга қараб севинасан киши. Меҳнат қилиб топдингми, роҳатини ҳам кўр. Ҳеч ким бунга монелик қилмайди. Оддий деҳқон ҳам «Нексия», «Матиз» ҳатто «Лаксетти» автомашинасини сотиб олишга қурби етаяпти. Кимдир тадбиркорлик, кимдир ҳунармандчилик, бошқаси томорқа орқасидан даромад топмоқда.

2

Бироқ, айрим кишилар борки, фақат йўқчиликдан нолийди. Уйига борсангиз камида 20-30 сотих, айримларининг ярим гектаргача шахсий томорқаси бор. Хўш, шу ерлардан улар қандай даромад кўришяпти?

— Яқинда ишхонамизга Ангор туманидан бир киши кўп бақир-чақир қилиб кириб келди, — дейди Сурхондарё вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Қиличбек Каримов. — Унга моддий ёрдам керак экан.

«Ишлайман десам, тузукроқ иш йўқ. Менга моддий ёрдам беринглар», — дея нолирди у.

Биз белгиланган тарзда текширув ўтказдик. Маълум бўлишича, у ҳақиқатан ўзи истиқомат қиладиган маҳаллада «кам таъминланган оилалар» ҳисобида турар экан. Аммо унга маҳалладан бундай оилаларга бериладиган моддий ёрдам тўланиб келинаётганлиги маълум қилди. Бундан ташқари, оиласида вояга етган икки нафар ўғли бўлиб, улар ҳам ҳеч қаерда ишлашмайди. Биз бу оила аъзоларини иш билан таъминлаш мақсадида бир нечта мақбул иш ўринларини тавсия этдик. Лекин на оила бошлиғи, на унинг фарзандлари биз тавсия қилган, энг муҳими, ойлик-маошлари анча юқори бўлган иш-жойларда ҳам ишлашни исташмади. Шунда яна бир нарсага эътиборни қаратдики, уларнинг хонадонига тегишли нақ 15-20 сотиҳли ер-томорқа майдонига ҳеч нарса экилмаган, қаровсиз ҳолда экан. Биз: «Томорқангизга нега ҳеч қандай экин экмагансизлар, ахир одамлар бир парча ердан қанча даромад олишяпти, мана забардаст ўғилларингиз бор экан, улар меҳнат қилса кам бўлмайди-ку», дедигу, балога қолдик.

— Менга ақл ўргатмаган бир сизлар қолувдингизлар. Бу томорқада ҳеч нарса битмайди, ер шўрлаб кетган...

3

Лекин бу бекор гап эди. Чунки унинг бир девор қўшнисиникидаги томорқага қараб, ҳар қандай одамнинг ҳаваси келарди... Шундай одамлар борки, бир йилда 5-6 сотих ердан 2-3 миллион сўмлаб даромад олишади. Демак, ҳамма гап одамнинг ўзига боғлиқ.

Бу гапларни эшитиб, беихтиёр обрўли бир идорада ишлайдиган Азиз ака деган танишим эсимга тушиб кетди. Чунки у Термиз шаҳрида яшаса-да, ҳовлисидаги бор-йўғи тўрт сотихча томорқасига рўзғорга кетадиган бор экин-текинни экади. Шунинг учун бозордан ҳеч қачон сабзи-пиёз ҳам, қўкату помидор ҳам сотиб олмайди. Яна денг тор ҳовлисида бир неча хил мевали дарахтлари ҳам борки, ҳосилини зўрга кўтаради. — «Парваришга боғлиқ экан-да, бир туп ўрик дарахтидан фалон кило ҳосил олдим», баъзан дея ўзи ҳам ҳайратланиб гапириб қолади у.

Бундан ташқари, унинг яна бир «аломат иши» шундаки, ҳовлисининг бир четига, икки қаватли товуққона қурган. Унга уч юзми, ундан сал камми-кўпми товуқ боқади. Ўзининг айтишича, кунига 100-120 дона тухум олади. Битта тухумнинг нархи бозорда 100 сўмдан кам эмас. Бозорда ўтириб тухум сотадиган кишилар ўзлари келишиб — уйидан олиб кетишади. Тухумга беш-ўн сўм қўйиб, улар ҳам фойда кўришади.

Энди ўзингиз ўйланг, 100 дона тухум — юз сўмдан қанча бўлади? Ўн минг сўм. Демак, бир ойда... 300 минг сўм! Мана сизга даромад, мана сизга фойдали, иш.

— Мен бу ишлардан сира кам бўлмайман, ҳар куни ишга кетишим олдидан товуқларга ўзим дон бераман, керакли дори-малҳамларигача қиламан. Паррандани бекорга «Етти хазинанинг бири» дейишмаган экан. Бир неча йил ичида шу меҳнатимнинг изидан янги уй қурдим, болаларимга тўйлар қилдим. Энди бу йил худо хоҳласа «Нексия» сотиб олмоқчимиз, — дейди Азиз ака.

4

МОЛИЯЛАШНИНГ ОДДИЙ ВА ҚУЛАЙ УСУЛИ

БЎЛГАН ЛИЗИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Мамлакатимизда лизинг тажрибаси кириб келганига кўп бўлгани йўқ. Лекин ишлаб чиқарувчилар ўртасида унга қизиқиш, бу усулдан фойдаланиш тобора кенгайиб боряпти. Унинг қулайлиги шундаки, ўзининг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишни кўзлаган ишлаб чиқарувчи бунинг учун етарлича молиявий ресурслари бўлмаса ҳам керакли асбоб-ускунани келгусида сотиб олишни кўзлаган ҳолда уни маълум муддатга ижарага олиб ишлатиши мумкин. Натижада ресурслардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш муаммоларини зудлик билан ҳал этишга имконият яратилади. Шу боис, лизинг инвестицион муаммоларни ҳал этувчи бошқа молиявий манбалар сафидан мустаҳкам ўрин эгалламоқда.

Фикримизни мамлакатимизда лизинг операцияларининг барқарор ўсиш суръати ҳам исботлайди. Масалан, 2005 йилда молиявий муассасалар ва ташкилотларда мулк қиймати 90 млрд. сўм атрофида бўлган 4 мингдан ортиқ лизинг операциялари амалга оширилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 130 млрд. сўмдан ортиб кетди.

2002 йили лизинг бўйича қонунчилик ҳужжатларига киритилган жиддий ўзгартишлар лизинг хизматлари бозорининг ривожланишига замин яратди. Натижада лизинг берувчи ташкилотлар ҳам, мулкни ижарага олиб ишлатувчилар сони ҳам муттассил кўпайиб бормоқда. Хусусан, лизинг компаниялари пайдо бўлди.

Лизинг берувчи ва уни олувчиларга яратилган бир талай солиқ имтиёзлари, солиққа тортишда лизингнинг банк кредитлари билан тенглаштирилиши, лизингга берилаётган асбоб-ускуналар қўшимча қиймат солиғи ва мулк солиғи, божхона тўловларидан озод этилиши бозорнинг ушбу сегментида фаолият кўрсатаётган ташкилотларнинг универсаллашишига, улар ўртасида рақобат муҳити шаклланишига замин яратди. Маълумки, Президентимизнинг «Лизинг хизматларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан лизинг операциялари 2009 йил 1 апрелгача фойда солиғини тўлашдан озод этилган. Бу имтиёз деҳқон-фермер хўжаликларининг асосий воситалар сотиб олишлари учун рағбатлантирувчи омил бўлди. Айни пайтда лизинг операциялари билан ихтисослашган компаниялардан ташқари, банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ҳам мунтазам шуғулланмоқда.

Агар биз лизинг операцияларига диққат қаратсак, лизингга берилган асосий воситаларнинг қарийб 50 фоизини асбоб-ускуналар ташкил этишига гувоҳ бўламиз. Улар асосан қурилиш материаллари, озиқ-овқат, полиграфия маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ускуналардир. Тақдим этилаётган лизинг мулкларининг умумий қийматида қишлоқ хўжалик техникалари улуши катта. Бу ҳол фермер хўжаликларининг ўз техникасига эга бўлишдан манфаатдорлиги билан боғлиқ. Кейинги пайтда автотранспорт, тиббиёт, ташкилий-техника воситалари, мулкни ижарага бериш ҳам сезиларли даражада ўсиб бораётгани кузатилади.

Аммо, ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар кўп. Масалан, лизинг бозори иштирокчиларининг фикрича, компаниялар ўзларининг тахминан 20 фоиз салоҳиятидан фойдаланмоқда, холос. Лизинг компаниялари капиталининг етарлича эмаслиги улар таклиф этаётган маҳсулотларнинг камлигида акс этмоқда. Бунинг устига лизинг хизматлари бозори конъюктураси етарлича ўрганилмаган. Мавжуд лизинг компаниялари ва «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг»ни ҳисобга олмаганда уларнинг минтақаларда ўз филиаллари йўқ. Лизинг объектлари рекламаси ҳам қониқарли ташкил этилмаган. Ўтган йили Тошкент шаҳрида ўтказилган мини технология ва ихчам, унумдор асбоб-ускуналарни сотиш бўйича Agrominitech Expo-2006 каби кўргазмаларни тез-тез ташкил этиш, уларга фермерлар, кичик корхоналар раҳбарларини кенг жалб қилиш бўйича олиб борилган ишлар фойдадан холи эмас.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнлари лизинг хизматлари бозори ривожланиши учун янги уфқлар очмоқда.

Отабек АЛИМАРДОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

Қарор ва ижро

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ҲИМОЯСИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бундан тўрт йил илгари, аниқроғи 2003 йил 2 майда қабул қилинган эди. Ушбу қарорга асосан Тошкент шаҳар Адлия бошқармасига шаҳар ҳудудида жойлашган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда мониторинг олиб бориш, уларнинг мурожаатларини ўрганиб, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва бузилган ҳуқуқларини тиклаш вазифалари юклатилганди.

Адлия бошқармасининг 2007 йилги иш режаси ва Адлия вазирлиги Ҳайъат қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрида жойлашган хорижий ва қўшма корхоналарнинг 1040 тасида мониторинг ўтказилиб, муаммолар ўрганиб чиқилмоқда. Натижаси бўйича тегишли тартибда таъсир чоралари қўлланилмоқда. Шу йилнинг биринчи чораги давомида бўлимга келиб тушган ариза ва шикоятларнинг 32 таси тўлиқ қаноатлантирилган. Хорижий ва қўшма корхона манфаатлари йўлида судларга киритилган 43 та даъво аризанинг 36 таси қаноатлантирилиб, корхоналар фойдасига 772,9 миллион сўм ундириш ҳақида ҳал қилув қарорлари қабул қилинган.

Масалан, «Wirtgen Tashkent» шўъба корхонаси Тошкент вилоят «Чинозйўлиндустрия» корхонаси билан 2005 йил 5 сентябрда тузилган шартнома асосида кўрсатган хизматлари учун тўланиши лозим бўлган, муддати ўтган дебитор қарзни ундиришда ёрдам беришни сўраб бошқармамизга мурожаат этган. Масала ўрганилиб, «Wirtgen Tashkent» шўъба корхонаси манфаатларини кўзлаб киритилган даъво ариза Тошкент шаҳар хўжалик судининг ҳал қилув қарорига кўра қаноатлантирилган. Жавобгар «Чинозйўлиндустрия» корхонасидан 4,5 миллион сўм асосий қарз ва 450.000 сўм пеня ундирилган.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Дарҳақиқат, хорижий инвестиция қонуний ҳимояда. Унинг ривожланишига сунъий тўсиқ қўйилишига мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий тизим асло йўл бермайди.

Маъмуржон ТЎЙЧИЕВ,
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи.

БЕМОРЛАР

НОРОЗИЛИК БИЛДИРДИЛАР

Токио шаҳридаги «Toyota» компанияси идораси олдида астма билан касалланганларнинг норозилик намойиши бўлиб ўтди. 630 нафар бемор иштирок этган ушбу намойиш қатнашчиларининг айтишларича, — дейилади интернетнинг «Mail.ru» сайтидаги хабарда, — уларнинг касалланишига айнан автомобиль ишлаб чиқарувчиларнинг экологик нотоза ёнилғидан фойдаланиши сабаб бўлган. Шунинг учун улар «Toyota» раҳбариятидан товон пули тўланишини талаб қилдилар.

«Toyota» маъмурияти эса ҳар бир беморга 8500 долларга тенг миқдорда товон пули тўлашга рози эканлигини билдирди. Аммо беморлар бунга рози бўлмадилар, улар 1 миллион доллардан тўланишини талаб қилдилар.

ФАҲШ ФИЛЬМИ УЧУН

ЎЛИМ ЖАЗОСИ

Эрон парламенти фаҳш акс этган фильмларни суратга олиш ва уни тарқатганга ўлим жазосини белгиловчи қонун лойиҳасини маъқуллади. Ушбу лойиҳа учун Мажлиснинг 148 депутати овоз берган бўлса, атиги 5 нафари қарши чиқди, дея хабар беради «NEWSru Israel» сайти.

Фаҳш фильми ишлаб чиқаришга алоқаси бўлган режиссёрлар, актёрлар, операторлар, продюссерлар ушбу қонунга кўра, жазога тортиладилар.

Мажлис маъқуллаган мазкур қонун лойиҳаси энди олий конституциявий орган — Посбонлар Кенгаши томонидан тасдиқланиши лозим. Шундан сўнг у кучга киради.

УЙ МУШУКЛАРИ

РЎЙХАТГА ОЛИНАДИ

Белорусия парламенти «Жониворлар билан муносабатда бўлиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқмоқда. Унга кўра, — дейилади «Телеграф» ахборотида, — уйда боқилаётган барча мушуклар мажбурий рўйхатдан ўтказилади. Ушбу тадбир итларни ҳам назарда тутадими ёки йўқми, бу ҳақда ахборотда ҳеч нарса дейилмаган.

Таъкидлаш лозимки, депутатлар бу борадаги қонун лойиҳасини 2004 йилдаёқ ишлаб чиқиб, қабул қилишган эди. Аммо президент Александр Лукашенко қайта ишлаш учун уни қайтарган. «Белорусские новости» ахборот агентлигининг маълум қилишича, ўша лойиҳада барча уй ҳайвонларини рўйхатдан ўтказиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, олдинги лойиҳада ҳар бир уйда иккитагача жонивор сақлашга рухсат берилганди, янги лойиҳада эса бу кўрсаткич учтагача белгиланди.

Германия манзаралари

Шарҳ

ВАЗИЯТ КЕСКИНЛАШУВИ

НАТИЖАСИДА ФАЛАСТИН ИККИГА БЎЛИНИБ ҚОЛДИ

Фаластин мухториятида вазият кескинлашгандан кескинлашиб бормоқда. Ички келишмовчиликлар натижасида мухториятда иккига бўлиниб қолди. Бугунги кунда Ғазо минтақасининг барча ҳудудларини ХАМАС тарафдорлари эгаллаб, ўз назоратини ўрнатган. Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғи эса ФАТХ тарафдорлари ихтиёрида. Фаластиндаги оғир вазиятнинг моҳияти шундаки, бу икки сиёсий куч мухториятда тинчлиги йўлида ҳануз келиша олмаяпти.

Фаластиннинг тинч аҳолиси бу қарама-қаршиликлардан азият чекмоқда. Бир неча кундирки, мухториятда дўконлар ишламаяпти, барча мактаблар ёпилган, одамлар эса кўчага чиқишдан қўрқади.

Икки сиёсий куч ўртасидаги зиддият шу даражага бориб етдики, мухториятда янги уруш олови аланга олиш арафасига келиб қолди. Халқаро ҳамжамият эса қўл қовуштириб турибди.

«AFP» ахборот агентлигининг маълум қилишича, ўтган куни ХАМАСнинг қуролланган гуруҳи отишмалардан сўнг ФАТХнинг Ғазо минтақасидаги «Хавфнинг олдини олиш хизмати» штаб-квартирасини эгаллади. Бу ФАТХчиларнинг Ғазо минтақасидаги сўнгги таянч нуқтаси эди.

Ҳозир отишмалар давом этмоқда. Кейинги бир ҳафтада 80 дан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмди. Умуман, ўтган йилги парламент сайловларида ХАМАСчилар ғалаба қозониб, ҳокимият тепасига келгандан бери ФАТХ билан ХАМАС ўтасида юз берган тўқнашувлар натижасида 700 дан ортиқ киши қурбон бўлди.

Аслида бу икки сиёсий куч ўртасидаги янги тўқнашувлар 7 июндан бошланди. Ўшанда ХАМАС раҳбарияти ФАТХ тасарруфида бўлган Ғазо минтақасидаги ҳудудларни ХАМАС назоратига ўтказилишини талаб қилган эди. Аммо ФАТХчилар бунга рози бўлмагач, полиция идорасини босиб олди. ФАТХ ҳаракати, яъни Фаластин етакчиси Маҳмуд Аббос тарафдорлари эса бунга жавобан Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги ХАМАС ҳаракати, яъни Фаластин бош вазири Исмоил Хония назоратида бўлган телестанцияни босиб олди. Шундан сўнг отишмалар авж олиб кетди.

Ҳозир Фаластиннинг Исроил ва Мисрга чегарадош ҳудудларидаги чегара назорат пунктлари ХАМАС тасарруфига ўтган. Исроил эса қуролли жангарилар ўтиб кетмаслиги учун ўз чегараларини ёпди ва қўшимча кучларни жойлаштирди. Бироқ

Исроил бош вазири Фаластиндаги урушда ФАТХга ёрдам бермаслигини билдирди.

Яна бир гап. Фаластин озодлик ташкилоти ижроия қўмитаси Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Маҳмуд Аббосга ФАТХ ва ХАМАС вакилларидан иборат миллий бирлик ҳукуматини истеъфога чиқариб, мухториятда фавқулодда ҳолат жорий қилишни тавсия этди. Ушбу миллий бирлик ҳукуматига шу йил февралда Саудия Арабистони воситачилигида асос солинганди. Ўшанда кўпчилик сиёсатдонлар Фаластинда қарама-қаршиликлар барҳам топиб, тинчлик ҳукм суришига ишонган эди. Афсуски, ундай бўлмади.

Шу ўринда Фаластиндаги икки сиёсий куч — ФАТХ ва ХАМАС ҳаракатлари ҳақида маълумот бериб ўтсак.

ФАТХ — «Ҳаракат аль-Таҳрир ал-Филистиния» («Фаластин озодлик ташкилоти») Фаластиннинг собиқ президенти, марҳум Ёсир Арафот томонидан 1950 йилда тузилган бўлиб, унинг ўша пайтдаги асосий мақсади Фаластинни Исроил назоратидан озод қилиш бўлган. Кейинчалик ФАТХ энг катта сиёсий партияга айланган ва Исроилни тан олиб, икки томонлама битим тузиш учун саъй-ҳаракат олиб борган. 1990 йили Ослода худди шундай битим имзоланган.

Полиция ва хавфсизлик хизматининг 70 минг ходими ФАТХ партиясини қўллаб-қувватлайди.

Фаластин мухторияти маъмуриятининг асосий қисмини ФАТХ аъзолари ташкил этиб келган. Аммо ўтган йилги парламент сайловларидаги мағлубият ФАТХ истиқболига соя солди.

ХАМАС — «Ҳаракат ал-Мукавама ал-Исламия» («Ислом қаршилик кўрсатиш ҳаракати») «Мусулмон биродарлар» ҳаракатининг Фаластин қанотидан таркиб топган. Унинг асосий мақсади Фаластин ҳудудида ислом давлатини қуришдир.

Мазкур ҳаракат 1987 йил тузилгандан бошлаб, иккита вазифани бажариб келади — ижтимоий ҳимоя ва қуролли қарши кураш. Бу эса Исроил ҳудудида яшовчи фаластинларга маъқул келиб, улар ХАМАСни қўллаб-қувватлаяптилар. ХАМАС жангарилари амалга оширган террорчилик актлари ўз навбатида Исроил, АҚШ ва Европа Иттифоқи томонидан бу ташкилотни террорчи ташкилот дея тан олинишига олиб келди. Шунинг учун ҳам 2006 йилги парламент сайловларида ХАМАСнинг ғалаба қозонганига халқаро экспертлар ишонмадилар ва сайлов натижаларини тан олмадилар.

Бироқ, бугун бу масала муҳим эмас, балки икки сиёсий кучни муросага келтириш, мухториятда тинчликни ўрнатиш, одамларнинг осойишта ҳаётини таъминлашга ҳисса қўшиш халқаро экспертлар, халқаро ташкилотлар ва халқаро ҳамжамиятнинг асосий вазифаси бўлиб турибди.

Алимқул СУЛТОН

Вниманию организаций и предприятий!
Акционерная компания «Узкурилишматериаллари» ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ (ТЕНДЕР)

на поставку загрузочное оборудование и запчастей для ОАО «Кызылкумцемент»

ЛОТ 1А. Загрузочное устройство для погрузки цемента Комбинированная отгрузка в железнодорожных вагонах 440 м3/ч в количестве 2 комплекта

ЛОТ 1Б. Загрузочное устройство для погрузки цемента Комбинированная отгрузка в автомашины 250 м3/ч в количестве 4 комплекта

ЛОТ 2. Подшипники:

A – 13618Н в количестве 3 штук
B – 1608 в количестве 4 штук
C – 1609 в количестве 20 штук
D – 6-2226 М в количестве 30 штук
E – 2236 ЛМ в количестве 20 штук
F – 32544 М в количестве 20 штук
G – 3520 Н в количестве 2 штук
H – 3524 Н в количестве 20 штук
I – 3530 Н в количестве 100 штук
J – 3563 Н в количестве 30 штук
K – 3609 в количестве 10 штук
L – 3616 Н в количестве 100 штук
M – 3636 Н в количестве 20 штук
N – 3644 Н в количестве 28 штук
O – 3652 Н в количестве 20 штук
P – 3656 Н в количестве 4 штук
Q – 3680 Н в количестве 4 штук
R – 53516 Н в количестве 6 штук
S – 66322 Л в количестве 8 штук
T – 7616 А в количестве 30 штук
U – 9889468 в количестве 6 штук
V – 9889492 X1 в количестве 4 штук
W – 9 ШС 110 К1 в количестве 4 штук

Заказчик ОАО «Кызылкумцемент»

Предприятия и организации, выступающие в качестве поставщиков должны соответствовать следующим требованиям: иметь необходимые профессиональные и технические квалификационные данные, обладать финансовыми средствами и другими материальными возможностями, надежностью, опытом и репутацией, обладать гражданской правоспособностью и правомочиями на заключение договора (контракта).

Поставляемые материалы должны соответствовать мировым аналогам. Для участия в торгах и приобретения тендерной документации необходимо обратится с запросом к организатору торга — Акционерная компания «Узкурилишматериаллари». Тендерная документация выдается после уплаты не возвращаемой суммы 600 долларов.

Источник финансирование за счет собственных средств предприятий заказчиков.

Платежные реквизиты:
АК «Узкурилишматериаллари»
Адрес: г. Ташкент, ул. Мирзакилова 68а
Расчетный счет: 20210000200127064001
SWIFT BIC: UJSIUZ22, UZPROMSTROYBANK TASHKENT, UZBEKISTAN
CHIPS UID: 353886
TELEX : 116342TRONUZ
Валютных счет: 20210840500127064002
МФО 00424 город Ташкент
Идентификационный номер 200625030

Конкурсные предложения должны быть доставлены организатору торгов по адресу: г. Ташкент, ул. Мирзакилова 68а. АК«Узкурилишматериаллари» тел.: 54-48-39, 152-60-28, факс: 55-77-07, 152-60-28

Крайний срок представления оферт организатору торгов к дню и часу вскрытия оферт.
Вскрытие оферт состоится через 30 дней после опубликования объявления.

Ҳа, ишлайман, даромад олиб — фаровон яшайман деган кишига иш кўп. Аксинча, баҳона излаб, турли важ-карсон кўрсатаман деганга баҳона ҳам топилаверади.

— Ўтган йили 20 сотих томорқамизга плёнка остига кўкат эккан эдим. Ишонсангиз, ерда гап кўп экан. Қиш ойларида кўкатнинг бир килосини — уч ярим-тўрт минг сўмгача сотдим, — дейди музрободлик деҳқон Малик Раҳмонов. — Бир йилда битта автомашинанинг пулини топдим. Чиндан ер — зар деганича бор. Энди мендан улгу олишган қўшниларим ҳам бу йил кузда томорқаларига «зелен» экишмоқчи...

...Шу йил баҳорда Ангор туманига қарашли «Занг» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Йўлдош Қулиев деган киши билан Саттор бобо Йўллиевлар хонадонида бўлдик.

Ҳовлига назар ташлаймиз. Бир-бирига ўхшаш 3 та уй қурилган. Ҳовли тоза, саранжом-сариштa. Тупроқдан тикланган тапчан атрофида экилган ҳар хил кўкатлар, райҳон ва бошқа гуллар яшнаб турарди. Нуроний отахоннинг дилкашлиги тутди, шекилли суҳбатга кўр берди:

— Бу машиналарни ўғилларим томорқадан топган маблағлари ҳисобига олганмиз, — деди бобо ҳовлига киришда турган қўш «Дамас» автомашинасига ишора қилиб. — Тирикчилигимиз асосан томорқадан. Айримлар ҳамон эски замонни қўмсагандек ишлагиси келмайди. Ялқовликка, дангасаликка ўрганиб қолишганда. Бугун меҳнат қилган яхши яшаяпти. Мана, ўз оиламиздан қиёс. Уч ўғлимнинг 40 сотих томорқаси бирор мавсум бўш турмайди. Карам экамиз, изидан помидор етиштирамиз. Томорқанинг ярмига картошка парваришлаймиз. Қарабсизки, оилада қут-барака, рўзғорда ҳамма нарса етарли. Чоли-кампир иккимизга давлат 90 минг сўмдан зиёд пенсия бераяпти. Ҳали шу ёшга кириб пул тарқатадиган почта қаерда жойлашганлигини билмайман. Баъзиларга ўхшаб «қачон пенсиямни берасан», деб почтачининг олдига борган эмасман. Фарзандларим ҳам биз — чол-кампирнинг пулига кўз тикишмайди. Почтальоннинг ўзи қачон эшигимизни тақиллатиб келса, алқаб-алқаб нафақамизни олиб қоламиз...

Саттор бобо ҳар мавсум 15 сотих майдонга карам экиб, 2-2,5 миллион сўм соф фойда қилишлари, изига помидор етиштириб 2-3 миллион сўмга сотишларини мамнунлик билан ҳикоя қилади.

Ёки бошқа бир мисол: ўтган йилнинг айни куз пайти эди. Мевалар ғарқ пишган кезларда Термиз туманидаги «Аэропорт» мавзесида яшовчи ҳамкасбимиз Султон Ўрозов хонадонига бордик. У Термиз шаҳар ҳокимлигининг газетаси — «Термиз оқшоми»да мусаҳҳиҳ бўлиб ишлайди. Ўн беш сотихча келадиган томорқасига фақат анор дарахтлари экилган. Хонадон соҳибининг айтишича, 200 туп анор дарахтдан 1,5-2 тоннагача ҳосил йиғиб олади ва анорни то декабрь ойигача сақлаб, килосини камида бир ярим минг сўмдан сотади.

— Анор жаннати мева, — дейди биродаримиз Султон Ўрозов. — Томорқамизда анор ўстириб, кам бўлмадик. Анор даромадидан уй қурдик, машинали бўлдик. Ўғил уйлантирдик, қизларни турмушга узатдик. Янгангиз иккимиз бошқа-бошқа ташкилотда ишласак-да, фақат маошга кўз тикиб ўтирмаймиз. Бўш вақт бўлди дегунча, ҳаммамиз анорзорда ишлаймиз...

Султон Ўрозовнинг анорзорини кўриб чиндан ҳайратимиз ошганди ўшанда. Бизни ҳайратга солгани ҳар туп дарахтда 60 тагача анор етилиб тургани эмас, балки уларнинг ҳар бири қоғоз билан ўраб қўйилгани эди.

— Вой, эринмаган инсонлар-ей, ҳар бир анорни ўрабчирмаб ташлабсизлар-ку!

— Ажабланманг, шундай қилмасак, анор ҳосилидан умид йўқ, Термиз шароитида об-ҳаво иссиқ бўлади, — дея тушунтирди у. — Агар меваларни қоғоз ёки латта билан ўраб қўймасак, пўсти қўёшда куйиб ғадир-будур бўлиб қолади. Натижада мева яхши пишмайди, кўпи дарахт шохида чирийди. Пишганда ҳам бозорга чиқарсангиз усти қорайиб турган анорни харидор олмайди, олганда ҳам паст нархда сўрайди. Қоғоз ёки увада латта ҳосилни қуёш нуридан ҳимоя қилади, анор ялтираб етилади.

— Анордан чиқит чиқмайди, ҳисоб. Сара мевасини териб оламиз. Ёрилганини сиқиб сувини оламиз. Ҳар йили 40-50 литр анор шарбати тайёрлаймиз, — дейди Султон ака. — Анорнинг мевасидан ҳам кўра унинг шарбати минг дардга шифо. Данаги молга емиш, дарахтининг ортиқча ва қуриган шохлари тандирга ўтин...

Демак, ҳар бир томорқадор ўз мулкининг ҳосилоти, иқтисодчиси, ҳисобчиси, ишчиси бўлмоғи лозим. Томорқадорлар ҳар бир қарич заминдан унумли фойдаланиб, оиласининг тўқ ва фаровон яшашига эришиши мумкин. Шу билан бирга элимизнинг сабзавот маҳсулотлари ҳамда боғ ноз-неъматларига бўлган талабини қондиришга ҳисса қўшади. Энг асосийси, томорқадорлар биринчи навбатда оила аъзоларини, қолаверса, бекор юрган қўни-қўшниларнинг фарзандларини ҳам ишли қиладилар.

Ана энди ўзингиз айтинг, давлатдан «яшашим қийин, менга моддий ёрдам беринг», деб арз қилиб, лекин бешўн сотих томорқасига ҳам бир нарса экмай, меҳнатга бўйни ёр бермаётган одамларга нима дейиш мумкин?..

— Дунёда бир парча ер — ғоят муаммо бўлган қанчадан-қанча давлатлар бор, — дейди тиббиёт фанлари номзоди Серка Каттаев. — Масалан, Японияда одамлар ҳатто кўп қаватли уйларнинг тепасига тупроқ чиқариб гуллар, турли бошқа хил экинлар етиштиришар экан. Ёки махсус тувакларга тупроқ солиб, турли ўсимликларни кўкартиришаркан. Улар шу йўл билан ҳам катта-катта даромад олишаркан. Бизда-чи, баъзи бир кишилар ҳатто ўзи яшайдиган уйининг олдига тўрт туп райхон ёки бирор туп дарахт ниҳоли экишни хаёлига келтиришмайди... Кўриниб турибдики, ҳамма гап одамнинг ўзига, ҳаётга бўлган муносабатига, иштиёқига боғлиқ.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Кўргазма

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида давом этаётган кўргазма «Ислом маданияти ривож топган юрт» деб номланган.

ИСЛОМ МАДАНИЯТИ РИВОЖ ТОПГАН ЮРТ

У Ўзбекистон Бадиий академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган.

Бир ой давомида олти юздан ортиқ тасвирий ва амалий санъат намуналари, нодир осори-атиқалар намойиш этилади. Улар орасида жаҳон фани ривожига улкан ҳисса қўшган алломалар портретлари, тарихий ёдгорликлар, миллий қадриятларимиз акс этган рангтасвир, ҳайкалтарошлик асарлари, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, миниатюра, заргарлик ва миллий либос намуналари бор.

Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар

Хотира — муқаддас

ЭНГ ЧИРОЙЛИ ГУЛ

Ҳар гал иш билан таҳририятга келсам, учинчи қаватга кирмасдан кетолмайман. Очиқ турган эшиклар ёнидан ўтаётганимда юрагим гупиллаб уриб кетади. Ногоҳан қаршимдан Замира опа чиқиб «нега хонамга кирмасдан ўтиб кетаяпсиз?» — дея таъна қилаётгандек туюлаверади...

Замира Эгамбердиева истеъдодли шоира, меҳрибон она, садоқатли дўст эди. Уни айримлар раҳматли Саида Зуннуновага ҳам ўхшатишарди. Бундан ўзи ҳам фахрланарди. Шеърларида ҳаё ва нафосат уфуриб турарди. Нимаики ёзса, самимий ёзарди. Чин дилдан кулиб, чин юракдан куюниб ёзарди.

Гоҳида хўжандлик шоира Зулфия Бобоева уникида ҳафталаб меҳмон бўларди. Замира опа меҳмонни кўргани келганларни кутиб олишдан чарчамас, тунлари эса шоиранинг шеърларини оққа кўчириб чиқарди. Бу шеърларни таҳририятларга олиб борар ва унинг радио ва телевидениеда чиқишига кўмаклашарди. Бир куни Зулфия опани уйларига кузатдик. Ҳаво булут эди. Замира опа:

— Йўлга чиқаман, деб оёқ тираб олдилар. Мен энди уйларига етиб олгунича хавотир оламан, — дедилар автобуснинг ортидан маъюс термулиб. Орадан озгина фурсат ўтиб ҳаво очилиб кетди.

— Ана энди яхши бўлди, — дея қувонди Замира опа жилмайиб. — Опагинам қийналмай етиб олади...

Қачон йўлим тушиб, олдига кирсам нимадир ёзаётган ёки таҳрир қилаётган бўларди.

— Янги шеър ёзганман эшитасизми? — деб сўрар ва жавобниям кутмасдан шеър ўқишга тушарди:

Баҳорнинг келгани янгилик эмас,
Тоабад баҳорсиз қолмайди дунё.
Табиат эгнида товланар атлас,
Майсалар юзида ажиб бир ҳаё...

У гулларни, дарахтларни, майсаларни яхши кўрарди. Баҳордан завқланарди.

Замира опадай дўстни йўқотиб, бунга кўника олмай юрган кезларимда менга унинг ўзи ҳам яхши кўрадиган суратини келтириб беришди. Ҳар куни тортмамни очсам, ўша суратга кўзим тушиб дардим янгиланаверадиган бўлди. Суратни бошқа жойга қўйсам ҳам тасодиф билан яна кўзим тушаверади. Шундан кейин Замира опа ҳақида ёзмасам, дардимни қоғоз билан баҳам кўрмасам бўлмаслигини ҳис этдим.

— Биласизми, ёзувчи-шоирларнинг исм-шарифлари рўпарасига китобларининг номи ёзиб чиқилса қизиқ маъно чиқар экан, — дедим бир куни опага.

— Масалан?

— Худойберди Тўхтабоев — «Беш болали йигитча», Шавкат Раҳмон — «Ҳулво», Рауф Парфи — «Сабр дарахти», Равшан Файз — «Ухлаётган одам».

— Менга нима деб ёзасиз?

— Энг чиройли гул...

...Замира опа яйраб кулди. Опага кулгу ярашарди. Унинг кулгуси ҳам ҳеч кимникига ўхшамайдиган, беозор ва иболи эди. Шеърларида ҳам одамларга, табиатга бўлган меҳри уфуриб турарди. Айни пайтда унинг шеърларида пинҳона маъюслик бор эди. Шоиранинг тилаклари ўзи каби покиза эди:

Ўн тўрт кунлик ой каби,
Ороланиб тўламан.
Қизларим канизагу
Мен малика бўламан...

Замира опа елиб-югуриб меҳнат қилди-ю, малика бўлиш, буви бўлиб набира суйиш у кишига насиб этмади.

У ҳамиша дўстларига яхшилик тиларди, улардан маслаҳатини, ёрдамини аямасди.

— Сиз маслаҳатлашасизу, унга амал қилмайсиз, — деб койир эди мени. Мана энди... ҳар-ҳар замонда танбеҳ берадиган, турткилаб ёзишга ундайдиган, суянса бўладиган дўст ёнимда йўқ.

Таскин шуки, ундан ёдгор бўлиб уч фарзанд — оқила қизлари-ю, ёзган китоблари қолди.

Олов билан сувнинг ораси,
Кун ва туннинг ўртасидир шеър.
Одамлар бор — ишқ ювораси,
Икки умрим биттасидир шеър...

Илоё, олов билан сувнинг орасида яшаб ўтган шоиранинг «иккинчи умри» ўз мухлислари орасида давом этаверсин.

Абдураҳмон ЖЎРА

Айни кунларда мамлакатимиз спортчилари келгуси йили Пекинда бўладиган XXIX ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи турли йирик турнирларда муваффақиятли иштирок этишмоқда.

Beijing 2008

ТЎРТИНЧИ ЙЎЛЛАНМА

Ёдингизда бўлса, май ойининг дастлабки ўн кунлигида Италиянинг Дзенсано шаҳрида уюштирилган «Multi Star» халқаро турнирида енгил атлетикачимиз Виталий Смирнов ўн кураш баҳсларида иккинчи ўринни эгаллаб ҳамюртларимиздан биринчи бўлиб Пекин олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритган эди.



Шундан сўнг, орадан кўп ўтмай Қувайтда дзюдо бўйича ташкил этилган Осиё чемпионатида олтин медаль билан тақдирланган Абдулла Тангриев (+100 кг.) навбатдаги йўлланмага сазовор бўлди.

Яқинда енгил атлетика бўйича Бишкек (Қирғизистон) ҳамда Олма-Ота (Қозоғистон)да якунланган халқаро турнирлар ҳам вакилларимиз учун зафарли кечди. Қирғизистонда ўтган мусобақада ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Светлана Радзивил баландликка сакраш бўйича энг юқори натижани қайд этиб, Пекин олимпиадасига йўлланма олди. Қозоғистонда уюштирилган халқаро турнирда эса Гўзал Хуббиева ҳам шундай шарафга эришди. Россия, Қозоғистон, Эрон, Малайзия, Тожикистон, Қирғизистон сингари давлатлар спортчилари ўртасида кечган баҳсларда қитъа чемпионати совриндори, Осиё ўйинлари ғолиби Гўзал одатдагидек 100 метр масофага югуриш бўйича маррага биринчи бўлиб етиб келди.

Шундай қилиб, ер куррасининг энг нуфузли мусобақасига йўлланмани қўлга киритган спортчиларимиз сони тўрт нафарга етди.

Эркин ХОЛБОБО

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Ma'murjon PARPIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 549
11250 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni —
Topshirilgan vaqti — 1 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda

Тақдир тақазоси

НОБЕЛЬ МУКОФОТИ СОВРИНДОРИНИ ҲАМ АЯМАГАН...

Кейинги йилларда аҳоли саломатлигига жиддий хавф солаётган ва дунё мамлакатлари иқтисодиётига ҳам катта зарар етказаётган «атипик зотилжам» касаллигининг келиб чиқиш тарихи билан ҳамма қизиқса керак, албатта. «Парранда гриппи» деб аталувчи бу хасталик 2001 йилда тиббиётга маълум бўлган эди. Афсуски, бугунги кунгача ҳам унинг тўлиқ давоси топилгани йўқ. Ҳозир биз италиялик иқтидорли врач Карло Урбанининг худди шу йўналишда олиб борган илк изланишлари ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Карло Урбани Анкони университетининг тиббиёт факультетини муваффақиятли тамомлагач, тезда кўзга кўринган шифокорлар қаторига қўшилди. Бунга асосий сабаб — унинг ўз ҳоҳиши билан Марказий Африка, Вьетнам, Камбоджа, Лаос, Ливан, Таиланд каби давлатларда бўлиб, одамлар саломатлиги йўлида қилган меҳнатлари бўлди. Унинг бу интилиш ва бағбараз хизматлари Италиянинг «Чегара билмас врачлар» (MSF) халқаро жамияти эътиборига тушди. Карлога жамият таркибида ер шарининг энг «қайноқ» нуқталарида фаолият кўрсатиш таклифи билдирилди. У бунга рози бўлиб, Эфиопия, Уганда, Судан, Арманистон, Руанда, Ангола, Бурунди, Косово каби оғир минтақаларда малакали тиббий хизматга муҳтож кишиларга сидқидилдан ёрдам берди. 1999 йил Нобел мукофотининг ташкилий қўмитаси «Чегара билмас врачлар» (MSF)га тинчлик йўлидаги фаолиятлари учун Нобель мукофотини тақдим этди. Мукофотланганлар орасида Карло Урбани ҳам бор эди.

2000 йилда у Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига врач-эксперт бўлиб ишга ўтди. Ўша йилнинг февраль ойида Ханойдаги «MSF» тасарруфидаги шифохоналардан бирига Хитой ва Вьетнамга хизмат сафари билан келган 50 ёшлар атрофидаги американ кадбиркор оғир зотилжам касаллиги билан ётқизилади. Урбани уни обдон текширгач, шифохонанинг барча ходимларига бемор билан ҳар қандай мулоқотни таъқиқлаб қўйди ва шундан сўнг шахсан ўзи барча муолажаларни амалга оширди. Урбан беморга «Хитойда юрган кезларида ҳали тиббиётга номаълум бўлган вирусли юқумли касалликка чалинган бўлиши мумкин» дея ташҳис қўяди. Даволаш муолажалари ҳеч қандай натижа бермайди ва тез орада американ кадбиркор вафот этади.

Инсоният қандай хавфли касалликка дуч келганлиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган бир пайтда фақат Карло Урбани бу фожеани яхши тушуниб етган эди. Касалликнинг кечиши ва юқиш йўллари тўғрисидаги хулосалари яшин тезлигида бутун дунёга ёйилди. Унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, тарқалмаслик чораларини кўриш ва олдини олишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш кун тартибидаги асосий масалага айланди. Энг ачинарли томони орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Карло Урбанинг ўзи ҳам бу касалликка чалинади ва... 2003 йилнинг март ойида 46 ёшида «атипик зотилжам»дан вафот этган эллик бешинчи одам бўлди.

Бугунга келиб эса италиялик врач Карло Урбани «атипик зотилжам» деб атаган касаллик «парранда гриппи» эканлиги аниқланди. Бундай деб номланишининг асосий сабаби шундаки, касаллик вирусини тарқатувчи жонзотлар, ёввойи қушлар, шу жумладан, қарғалар бўлиб чиқди. Хасталикни келтириб чиқарувчи сабаб эса Карло Урбани фараз қилганидай ўта хавфли вирус бўлиб, у A/H5N1/ штамми эканлигини олимлар аниқлашди. Ҳозиргача ер юзида икки юзга яқин одам ушбу вирус қурбони бўлди. Россиянинг «ОРТ» телеканали орқали тарқатилган хабарга кўра, биргина Индонезиянинг ўзида кейинги тўрт йил ичида (2007 йилнинг январь ойигача) одамларнинг «парранда гриппи» билан касалланиши оқибатида олтмиш олти нафар киши ҳаётдан кўз юмган. Унинг олдини олиш чоралари етарли даражада кўрилаётган бўлса-да, афсуски, даволаш воситалари ҳалигача тўлиқ ишлаб чиқилгани йўқ. Тиббиёт ходимларининг фикрича, «парранда гриппи» инсонга касалланган парранда ёки унинг жасади орқали ёки ов қилинган қушнинг касаллигини билмаган ҳолда ёки бошқа парранда гўштини етарлича пиширилмасдан истеъмол қилганда юқиши мумкин экан.

Шу ўринда бу дард одамдан одамга юқмаслигини аллоҳида таъкидлаб ўтишни истардик.

Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган тадбирлар натижасида мамлакатимиз «парранда гриппи»дан холи ҳудудга айланди. Ҳозирча республикамизда ушбу касаллик билан боғлиқ бирор-бир ҳолат қайд этилмаган. Шундай бўлса-да, юртдошларимиз хотиржамликка берилмасдан, эҳтиёткорликни унутмасликлари, касалликнинг тарқалишига қарши кўрилаётган чора-тадбирларга риоя қилишлари лозим.

Шуҳрат АБДУРАҲМОНОВ, тиббиёт фанлари доктори.

Интер-спорт

ШАЦКИХ ВА ДЕНИСОВНИНГ ҲИССАСИ



Футбол бўйича Украина миллий чемпионати баҳслари ниҳоясига етишига бир тур қолганида Киевнинг «Динамо» жамоаси ўз тарихида ўн иккинчи маротаба мамлакат чемпионлигини қўлга киритди. Охирги турда киевликлар ўз майдонларида Львовнинг «Карпати» футболчилари устидан 3:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Динамочиларнинг учинчи тўпига миллий терма жамоамиз ҳужумчиси Максим Шацких муаллифлик қилди.

Ўтган йилги Украина чемпиони Донецкнинг «Шахтёр» футболчилари бу гал кумуш медаль билан кифояланишди. Ҳамюртимиз Виталий Денисов тўп сураётган Днепетровскнинг «Днепр» жамоасини ортда қолдирган «Металлист» (Харков) футболчилари бронза медалига сазовор бўлди.

Энди чемпионат ғолиби «Динамо» (Киев) ҳамда «Шахтёр» жамоалари келаси мавсумда Европа чемпионлари лигаси баҳсларида тўп сурса, «Металлист» ва «Днепр» футболчилари УЕФА кубоги учрашувларида ўз омадларини синаб кўришади.

ОЛИМПИЯ РАМЗИ МАЪҚУЛЛАНДИ



Халқаро Олимпия Қўмитаси Президенти Жак Рогге 2012 йили Лондонда ўтказиладиган ёзги Олимпия ўйинларининг расмий рамзини маъқуллади, деб хабар беради Reuters ахборот агентлиги. ХОҚ раҳбари Олимпия ўйинлари рамзи ифодаланган видео клипни кузатар экан, ўз таассуротини қуйидагича ифодалади: «Рамздаги рақамларни илғаш учун бироз тикилишга тўғри келди. Сўзсиз, бу яхшилик аломати. Гап шундаки, рамзнинг баъзиларга маъқул келмагани ҳам шундан бўлса керак, деган фикрга бордим. Ўйлайманки, вақт ўтиши билан Олимпия ўйинларининг ўзига хос рамзини кўпчилик ёқтириб қолади». Эслатамиз, Олимпия ўйинлари рамзини тайёрлаш учун оз эмас, кўп эмас 788 минг доллар сарфланган.

Ўқинг — қизиқ!

ГАПИРАДИГАН ҚАРҒА

Дунёда гапирадиган, тўғрироғи гапиришга ўргатиладиган қушлар кўп. Аммо... қарғанинг гапиришини кўпчилик эшитмаган бўлса керак.

— Булбулнинг сайраши кишига хуш ёқади, — дейди шерободлик Аббосжон Жўраев. — Одатда тўти ва олақанот афғон майнасини тарбияласа, «тилга кириши» мумкин. Уйимиздаги «Ғоша» лақабли жануб қарғаси ҳам, ишонасизми йўқми 32 та сўзни айта олади. Уни саккиз йил аввал тоғдан олиб келувдим. Ҳозир хонадонимизга ўрганиб қолган. Қарғани талоқ, ёнғоқ, ерёнғоқ, макарон билан парвариш қиламан...

Бундан уч йил аввал тўсатдан у гапира бошлади. Илк сўзи «Аббос» бўлган. Аввалига қулоқларимга ишонмадим. Кейин бошқа сўзларни айта бошлади. Ҳозир у «Шоди», «Севара», «Ойша», «Сув» каби сўзларни бемалол такрорлай олади. Табиат, қуш ва паррандалар — жону дилим. Қарғадан ташқари, товус, тустовуқ, какликларим ҳам бор. Тўтининг уч, кабутарларнинг ўнга яқин турини парвариш қиламан.

— Бу қарға бегонасирашни ҳам биларкан, — дейди сурхондарёлик телеоператор Илҳомжон Абдураззоқов. — Уни тасвирга олиш учун уч соат вақтим кетди. Бирор сўз айтмади. Бир вақтлар хориждан келган меҳмонлар уч кун кутса ҳам «Ғоша» «чурқ» этмаган экан. Буни эшитгач, буткул умидимни узидим. Ўйлаб-ўйлаб микрофонни ғаройиб қушнинг эгаси — Аббосжонга қолдирдим. Орадан бироз фурсат ўтиб қайтиб келсам, тасмада ўндан ортиқ сўз муҳрланибди. Қайтаётганимизда эса қарға «хайхай», деб хайрлашди...

— Чумчуқсимонлар туркумига кирувчи бу қушда муҳитдан келиб чиққан ҳолда шартли ва шартсиз рефлекслар пайдо бўлган, — дейди зоология фани ўқитувчиси Феруза Худойназарова. — Натижада унда сўзларни такрорлаш, тақлид, эгасини таниш қобилияти пайдо бўлган. Бу дастлабки жараён. Энди у янада кўпроқ сўз ўрганиши мумкин...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

Ҳикматлар сандиғидан

ОТАЛАР СЎЗИ — АҚЛНИНГ КЎЗИ

- *Ўғил-қизинг — икки кўзинг.*
- *Қизи ўнга кирганда, онаси сонга киради.*
- *Ота ғайратли бўлса, бола ибратли бўлар.*
- *Отангни кўрсанг, отдан туш.*
- *Олти кун оч қолсанг ҳам отангни меҳмон қил.*
- *Ота моли қўшилмаса, бола бойимас.*
- *Отанга берганингни болангдан оласан.*
- *Ота бўлмагунча, ота қадрини билмас.*
- *Отдан той ўзади, отадан бола.*

Тўпловчи: Юнус ЗИЁДОВ

Ташкилот бўш (вакант) лавозимларга танлов эълон қилади

Капитал қурилиш бўйича директор ўринбосари	Ташқи иқтисодий алоқалар бўйича мутахассис	Бош директор ўринбосари	Инженер механик
— Қурилиш бўйича олий маълумотли; — Қурилишдаги иш стажи — камида 5 йил; — Раҳбарлик иш тажрибаси — камида 3 йил; — Ёши 40 дан ошмаган бўлиши керак; — Маош — 300 000 сўм ва ундан юқори.	— Олий маълумотли; — Иш стажи — камида 5 йил; — Ёши 35 дан ошмаган бўлиши керак; — Рус, инглиз тилларини билиши керак.	— Олий маълумотли — Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетининг битирувчилари бўлиши маъқул; — Рус, инглиз тилларини мукаммал билиши керак; — Ҳайдовчилик гувоҳномасига эга; — Ёши 30 гача бўлиши керак.	— Техникавий олий маълумотли; — Иш стажи — камида 10 йил; — Юк кутарма механизмлари, гидравлика, пресларни яхши билиши; — Ёши 40 дан ошмаган бўлиши керак. — Маош — 300 000 сўм ва ундан юқори.

Номзодлар ўзи ҳақидаги маълумотларни қуйидаги факс орқали юборишлари керак:
(99871) 150-01-11, 150-11-55, 150-54-31.
E-mail: chermetgroup @ etc. uz

«OLTIN-SOCH» масъулияти чекланган жамиятининг Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан 2003 йил 17 мартда берилган, № 07-000716 сонли рўйхатдан ўтказилган гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**
Мурожаат учун телефон: 330-04-96